

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БОЛТАЕВ САЙДУЛЛА МАХСУДОВИЧ

**Ғўза мажмуидаги зироатлар ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига
ноанъанавий органик-минерал компостларни қўллаш самарадорлигини
ошириш**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Болтаев Сайдулла Махсудович Вўза мажмуидаги зироатлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигига ноанъанавий органино-минерал компостларни кўллаш самарадорлигини ошириш.....	3
Болтаев Сайдулла Махсудович Повышение эффективности применения нетрадиционных органино- минеральных компостов на плодородие почвы и продуктивность культур хлопкового комплекса	29
Boltaev Saydulla Makhsudovich Increasing usage efficiency of non-conventional organo-mineral composts on crops of cotton complex and soil fertility	54
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published papers	58

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БОЛТАЕВ САЙДУЛЛА МАХСУДОВИЧ

**ҒЎЗА МАЖМУИДАГИ ЗИРОАТЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИГА ВА
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИГА НОАНЪАНАВИЙ ОРГАНО-МИНЕРАЛ
КОМПОСТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Qx50 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

- Илмий маслаҳатчи:** **Назаров Ренат Саидович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
- Расмий оппонентлар:** **Ўразматов Назир**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
- Орипов Раззоқ Орипович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
- Тошқўзиев Маруф Мансурович**
биология фанлари доктори, профессор
- Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» «_____» 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: riim@agro.uz)

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _№__ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш билан бирга экинларни озиклантириш ҳамда кўшимча озиклантиришда минерал ўғитлардан ташқари органик ўғитлар ва ноанъанавий агрорудалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон миқёсида 44 та мамлакатда ноанъанавий агрорудаларнинг табиий захиралари мавжуд бўлиб, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилиб келинмоқда¹. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда органик ўғитлар ҳамда ноанъанавий агрорудалар ва улардан тайёрланган турли органик-минерал компостларнинг самарадорлиги юқоридир. Пахтачиликда кўшимча озиқа сифатида қўлланилаётган маҳаллий ўғитлар ҳамда ноанъанавий агрорудалардан тайёрланган компостларнинг компоненти нисбатларини ишлаб чиқиш энг муҳим масала ҳисобланади.

Дунёнинг пахта етиштирувчи мамлакатларида ғўзани озиклантириш ва тупроқ унумдорлигини сақлашда минерал ўғитлар билан бир қаторда органик ўғитлардан тайёрланган компостлардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Ноанъанавий агрорудалар ва ҳар хил ғўнлар билан турли нисбатларда компостлар тайёрлаш, органик-минерал компостларни тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш, ўсимликнинг тупроқдан озиқа моддаларини ўзлаштиришини яхшилаш ҳамда компостларнинг сўнгги таъсирларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Республикаимиз пахтачилигида минерал ва маҳаллий ўғитлар билан бир қаторда тупроқ унумдорлиги, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатини ошириш борасида микро ва макро элементларга бой ноанъанавий агрорудалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ноанъанавий агрорудаларни турли усулларда ва меъёрларда тупроққа қўллаш технологияларини такомиллаштириш орқали республикаимизда мавжуд минерал ўғитлар захирасини тежаш имконияти яратилади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири этиб кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар билан бирга ноанъанавий органик-минерал компостлардан кенг фойдаланиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги

¹ <http://ibm..nic.in/ w ritereaddata/ files>

ходимлари куни» тадбиридаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мазуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Органик ва орғано-минерал ўғитлар билан озиклантириш технологияларини яратишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: United States Department of Agriculture (АҚШ), University of Cordoba (Испания)², Chinese Cotton Research Institute, Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Agricultural Academy of Bulgaria (Болгария), Indian Central Institute for Cotton Research, Indian Agricultural Research Institute, Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Д.Н.Прянишников номидаги Бутунроссия агрокимё илмий-тадқиқот институти (Россия) ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Органик ва орғано-минерал ўғитларни қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: орғано-минерал ўғитларни қўллашнинг тупроқ таркибидаги гумуснинг ўзгаришига ва ўсимлик томонидан ўзлаштирилиш коэффициентига таъсири аниқланган (Chinese Cotton Research Institute, Chinese Academy of Agricultural Sciences); компостлар таркибидаги микроэлементларнинг ўсимликдаги биокимёвий жараёнлар жадаллашувига таъсири аниқланган (University of Cordoba, Agricultural Academy of Bulgaria); ноанъанавий агрорудалардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ресурстежамкор технологиялари ишлаб чиқилган (United States Department of Agriculture (USDA)); орғано-минерал ўғитларни тупроқни мелиоратив ҳолатига таъсири аниқланган Indian Central Institute for Cotton Research, Indian Agricultural Research Institute, Indian Central Institute for Cotton Research).

Бугунги кунда дунёда турли органик ва ноанъанавий орғано-минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларда ноанъанавий орғано-минерал компостларни қўшимча озиқа сифатида қўллаш; орғано-минерал компостларни шўрланган тупроқларда

² <http://www.cicr.org.in>; <http://www.icar.org.in>

мелиорант сифатида ишлатиш; ноанъанавий органо-минерал компостларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида ноанъанавий агрорудалардан фойдаланишнинг самарадорлиги бир қатор маҳаллий ва чет эл олимлари, жумладан С.Н.Рыжов, М.Г.Тлявов, А.Джалалов, Д.Алимардонов, И.Ўринов, А.С.Соколов, А.О.Оразмурадов, М.Pansini, И.Н.Чумаченко, Wan Pu, M.Goiun, А.Э.Авлиёқулов, Л.Н.Слесарева, Д.А.Тунгушова, Р.Қ.Кўзиев, Е.М.Белоусов, С.О.Абдурахмоновлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган. Лекин, республикамиз жанубида жойлашган табиий захираси жуда кўп, таркиби турли микро ва макроэлементларга бой бўлган Ховдак конидаги бентонит лойқаси ва турли маҳаллий ўғитлар асосида тайёрланган органо-минерал компостларнинг ғўза мажмуидаги экинларда қўллаш самарадорлиги бўйича етарли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-8-052 «Бентонит ва гўнг асосида тайёрланган компостларнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири» (2006-2008 йй.); КХА-9-024 «Маҳаллий ўғитлар ва бентонит асосида тайёрланган компостларнинг тупроқдаги азот, фосфор, ва калий мувозанатига ҳамда бошоқли дуккакли дон экинларининг ҳосилдорлигига таъсири» (2012-2014 йй.); ҚХА-7-043 «Сурхондарё вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларда органо-минерал компостларни мелиорант сифатида қўллаб тупроқ шўрсизланиши ва сувни тежаш имкониятларини ўрганиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Ноанъанавий органо-минерал компостларни кўшимча озика ва мелиорант сифатида қўллаб, тупроқ унумдорлиги, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини ошириш, минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда шўр ювишга сарфланадиган сув меъёрларини тежаш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

қишлоқ хўжалигида Ховдак конидаги бентонит лойқаси ва турли гўнглари асосида тайёрланган органо-минерал компостларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш;

агрорудалар ва маҳаллий ўғитлардан органо-минерал компостларни тайёрлашнинг мақбул меъёр ва нисбатларини ҳамда тайёрлаш усулларини такомиллаштириш;

ноанъанавий органо-минерал компостларни тупроқнинг агрохимёвий ва сув физик хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

ноанъанавий органо-минерал компостларнинг ғўза, кузги буғдой, мош ва маккажўхори экинларнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини ўрганиш;

ўртача шўрланган тупроқларда органино-минерал компостларни мелиорант сифатида қўллашнинг зарарли тузлар ўзгаришига таъсирини аниқлаш;

Ховдак конидаги бентонит лойқаси ва маҳаллий ўғитлар асосида тайёрланган органино-минерал компостларни ғўза, кузги буғдой, мош ва маккажўхори экинларида қўллаш меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари, Ховдак конидаги бентонит лойқаси, маҳаллий ва маъдан ўғитлар, тайёрланган компост, ғўзанинг Полвон, Бухоро-102, ЎзПИТИ-1602 навлари кузги буғдойнинг Таня нави, мошнинг Радость ва маккажўхорининг Ўзбекистон 306 АМБ навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ноанъанавий агроруда бентонит лойқаси ва турли маҳаллий ўғитлар асосида тайёрланган органино-минерал компостларнинг тупроқ унумдорлиги, ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда уларнинг сифатига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларни ўтказишда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорларини аниқлаш ва агрофизикавий таҳлилларда «Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», «Методы агрохимических исследований почв Средней Азии» ҳамда тажриба маълумотларини математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов услубидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тақирсимон тупроқлар шароитида Ховдак конидаги бентонит лойқаси ва турли маҳаллий ўғитлар асосида тайёрланган органино-минерал компостнинг тупроқ агрохимёвий ва сув-физик хусусиятларига таъсири аниқланган;

органино-минерал компостларни ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичларига таъсири баҳоланган;

минерал ўғитлар билан бирга ноанъанавий агрорудалар ва турли маҳаллий ўғитлар асосида тайёрланган компостларни ўртача шўрланган тупроқларда мелиорант сифатида қўллаш самарадорлиги аниқланган;

компостларни зарарли тузлар миқдорининг камайишига, шўр ювиш учун сарфланадиган сувни ҳамда мавсумий минерал ва маҳаллий ўғитлар сарфини тежаш имконияти аниқланган;

қорамол ва қўй гўнги, парранда қийи ҳамда Ховдак конидаги бентонит лойқаси аралашмаларидан турли нисбатларда компостлар тайёрлаш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида маҳаллий ўғитлар ва ноанъанавий агроруда асосида компост тайёрлаш компонентининг нисбатлари ҳамда қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

ноанъанавий органо-минерал компостни қўллашнинг нисбатан юқори самараси уч йилда бир маротаба ғўзада 21,0 т/га меъёрда, кузги буғдой ва анғизга экилган зироатларда эса 16,0 т/га меъёрда қўлланилган вариантларда кузатилиб, тупроқнинг агрокимёвий ва сув-физик хусусиятлари яхшиланганлиги, пировардида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиб-ривожланиши жадаллашиши, ғўза кўсаклари сони ва очилиш даражаси ошиб, ҳосилининг 88-90 фоизи биринчи теримда йиғиштириб олингани ҳамда гектаридан кўшимча 3,8-6,1 ц/га гача пахта ҳосили етиштирилганлиги исботланган;

компостлар кўшимча озика сифатида қўлланилганда тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир этиб, тупроқнинг ҳажм массаси 0,05-0,06 г/см³ га камайиб, ғоваклиги 2,2-2,3%, гумус миқдори 0,12-0,017%, умумий азот 0,007%, ҳаракатчан шаклдаги азот, фосфор ва калий миқдори эса 3,5; 4,1; 33-40 мг/кг га ошганлиги аниқланган;

ноанъанавий органа-минерал компостлар ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, пахтадан 4-6 ц/га, кузги буғдойдан 3,8-5,1 ц/га, маккажўхорининг дон ҳосилидан 9,6 ц/га ва мошдан 4,3 ц/га гача кўшимча ҳосил олишга ҳамда мавсумий маъдан ва маҳаллий ўғитлар сарфини 20-25% га камайтириш мумкинлиги исботланган;

компостларни ўртача шўрланган тупроқларда мелиорант сифатида қўлланилганда тупроқнинг ҳайдов қатламида зарарли тузлар миқдори 17,1-1,8% гача камайиб, шўр ювиш учун сарфланадиган 4000 м³/га сувни тежаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида ўз ифодасини топганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибада олинган маълумотларнинг маҳаллий ва чет эл илмий нашрларда чоп этирилиб, мутахассислар томонидан хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокамалардан ўтганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги мазкур ишнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илк бор Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларда ноанъанавий органо-минерал компостларни кўшимча озика ҳамда шўрланган тупроқларда мелиорант сифатида қўллаш самарадорлиги илмий асосланган. Тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий, сув-физик хоссалари, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши яхшиланиши, маҳаллий ва минерал ўғитлар 25% га шўр ювишга сарфланадиган 4000 м³ сув тежалиши ҳамда экинлар ҳосилдорлиги ортиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда Ховдак бентонит лойқаси, қорамол ва қўй гўнги, парранда қийи ва шулар асосида тайёрланган ноанъанавий органо-минерал

компостлардан самарали фойдаланилганлиги, ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигининг ошиши ва иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ноанъанавий органо-минерал компостларни қўшимча озика ва мелиорант сифатида қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер хўжаликларида қўлланма сифатида «Ноанъанавий агрорудаларни қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш бўйича фермер хўжаликларида тавсиялар» тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 07/23-21-сон маълумотномаси). Республиканинг жанубий минтақалари пахтачилик фермер хўжаликларида юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Сурхондарё вилояти шароитида Ховдак конидаги бентонит лойқаси ва турли гўнлар асосида тайёрланган ноанъанавий органо-минерал компостларни ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларга қўшимча озика сифатида қўллаш технологияси Термиз, Жарқўрғон, Қизирик, туманлари пахтачилик фермер хўжаликларида жами 430 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 07/23-21-сон маълумотномаси). Бунда органо-минерал компостларни қўллаш натижасида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан гектарига 4-6 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси 25 фоизни ташкил этган;

ноанъанавий органо-минерал компостларни кузги буғдой ва дуккакли-дон экинларига қўллаш агротехнологияси Термиз ва Ангор туманлари пахтачилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 08.01.2018 йилдаги 07/23-21-сон маълумотномаси). Ноанъанавий органо-минерал компостларни қўллаш натижасида кузги буғдойдан гектаридан 5 центнер, такрорий мошдан 4,5 центнер қўшимча ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 24-26 фоизгача ошишига эришилган.

Компостларни ўртача шўрланган тупроқларда мелиорант сифатида қўллаб, тупроқни шўрсизлантириш агротехнологияси Термиз тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 07/23-21-сон маълумотномаси). Натижада 21,0 тонна ноанъанавий органо-минерал компост мелиорант сифатида қўлланилганда тупроқ ҳайдов қатламида зарарли тузлар миқдори 16,4% га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Далада ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан кўрикдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари бўйича ёзилган ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола,

жумладан 10 таси республика ва 1 таси халқаро журналларда нашр этилган. Шунингдек, 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 200 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, еттига боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Агрорудаларнинг умумий характеристикаси ноанъанавий агрорудаларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, бентонит лойқаларининг намни шимиш хусусияти, тупроқнинг сув-физик ва физик-кимёвий хоссаларига ижобий таъсир қилиши, таркибида 20-60% ва ундан кўп магнийли монтмориллонит минералининг мавжудлиги, шунинг учун ўзгарувчан, бўкувчан ва алмашувчан катион ва анионларнинг ҳажми 100 г. тупроқда 23-150 мг/экв, солиштира юзаси 200-300 м²/граммни ташкил қилиши кўрсатиб ўтилган.

Қолаверса бентонитлар ўсимликлар учун озика манбаи ҳисобланиб, уларнинг таркибида 0,3-4,7% углерод, 0,4-3,0% калий, 0,3-1,0% фосфор ва кўплаб микроунсурлар: мис, рух, бор, кобальт, молибден, марганец, олтингугурт ҳам борлиги баён қилинган. Бундан ташқари бентонит лойқалари ўсимлик илдизи тарқалган тупроқ қатламидан ҳаракатчан шаклдаги озика унсурлари ва гумусни сув билан ювилиб кетишидан сақлаши ҳамда тупроқда углерод, азот, фосфор ва калий захирасини кўпайтириш хусусиятига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ноанъанавий органо-минерал компостларнинг ўсимликда кечадиган физиологик, биокимёвий жараёнларга бевосита таъсир этиши, жумладан уруғнинг униб чиқиш қувватини 10-12% га, барг хлоропластлари таркибидаги хлорофилл миқдорини 2,5-3,0 баробар ошириб, пировардида фотосинтез маҳсулдорлигини кўпайтириши, ўғит-мелиорант сифатида ишлатилганда пахта ҳосилининг сезиларли даражада ошиши ва айни вақтда маъдан ўғитларни ишлатиш меъёрини 20-25% га камайтириш имконини бериши мумкинлиги изоҳланган.

Ноанъанавий органо-минерал компостлар тупроқнинг агрофизикавий ва сув-физикавий хоссаларига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар

томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида органо-минерал компостларни турли даражада шўрланган тупроқларда мелиорант сифатида қўллашнинг самараси баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Тажрибалар ўтказилган дала тупроқлари қадимдан суғориб келинаётган, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва ўртача шўрланган тупроқлар бўлиб, ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатларида гумус миқдори 0,888-0,700 %, ялпи азот 0,086-0,070 %, умумий фосфор 0,141-0,115 %, нитратли азот 18,7-12,1 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 27,7-14,0 мг/кг ва алмашинувчи калий эса 200-160 мг/кг ни ташкил этиб, озика унсурлари билан кам таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу тупроқлар карбонатларга бой, сизоб сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда, механик таркиби ўрта қумоқ, микроструктурали тупроқлар сирасига кириши, вилоятнинг сахро минтақасига кирувчи суғориладиган, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва тақир тупроқлар тарқалганлиги, ушбу минтақа иқлими кескин ўзгарувчан, йиллик ёғингарчилик миқдори 100-200 мм ни ташкил этиб, унинг асосий қисми (50-52%) кеч куз ва қишда ёғиши, март апрель ойларидаги ёғингарчилик 37-40% дан ошмаслиги, чўл қисмида ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, йиллик ўртача ҳарорат 18 °С га, Шерабод туманида эса 19-20 °С гача етиши қайд қилинган. Мавсумда ушбу минтақада ўртача ҳаво ҳарорати 25,6-26,7 °С ни, ёзда 32 °С ни, кунлик 36-38 °С ни, энг юқори ҳарорат эса +40-50 °С, энг паст ҳарорат -20 °С атрофида бўлиши, йил давомида 245-265 кун иссиқ бўлиб, ёғингарчилик миқдори 127-169 мм, мавсумда эса 30-40 мм, намлик 30-40% дан баъзи ойларда 18-20% гача пасайиши кўрсатиб ўтилган.

Термиз гуруҳи туманларида чанг-тўзонли кунлар кўп бўлиб, ёз пайтида ҳавонинг нисбий намлиги 6-8% гача пасайиши, тажриба ўтказилган йилларда об-ҳаво шароити ўзга хос бўлиб, 2016 йилнинг ноябрь, декабрь ойларида ҳаво-ҳарорати 9-10 °С гача пасайганлиги, шу ойларда энг юқори ҳарорат ўртача 18-20 °С дан ошмаганлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобда дала ва лабораториядаги илмий изланишлар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» қўлланмалари асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида дисперсион таҳлилдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Дала тажрибаларини бошлашдан аввал амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко ва И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотоколориметрда П.В.Протасов усулларида аниқланганлиги кўрсатилган.

Тажриба даласи тупроғининг сув-физик хоссалари ўзгаришини аниқлашда «Методы агрофизических исследований» қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги цилиндр усулида ҳамда макроагрегат таркиби Н.И.Саввинов усулида аниқланган.

Диссертация иш дастурига мувофиқ илмий изланишлар Сурхондарё вилоятининг тақирсимон тупроқларида бешта тажриба тизими бўйича олиб борилганлиги ва кўрсатилган тизимлар бўйича ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилиб, тадқиқотлар объекти сифатида олинган Ховдак конидаги бентонит лойкаси ва тайёрланган компостларнинг агрохимёвий тавсифи баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тупроқнинг агрофизикавий хусусиятларига ноанъанавий органико-минерал компостларнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида, 2006-2017 йиллар давомида Ховдак бентонити билан турли хил гўнлар асосида тайёрланган компост меъёрларининг тупроқ ҳажм массаси ўзгаришига ҳамда ушбу компостларни турли меъёрларда қўллашнинг ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларда таъсири ўрганилган. Таъкидлаш жоизки, компост меъёрлари биринчи тажрибада 2005 йили кузги шудгор олдидан тупроққа солиниб, уларнинг таъсири ва сўнгги таъсири 2006-2008 йилларда ўрганилган.

Олиб борилган дастлабки (2006 й.) йил дала кузатувларида маъдан ўғитларни $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га меъёрларда қўлланилган назорат вариантыда, чигит экишдан олдин (баҳорда) 0-10; 10-20 ва 20-30 см қатламларда тупроқнинг ҳажм массаси мутаносиб равишда 1,30; 1,32 ва 1,34 г/см³ ни ташкил қилган ҳолда, 0-30 ва 30-50 см да бу кўрсаткичлар ўртача 1,32 ва 1,39 г/см³ га тенг бўлганлиги кўрсатилган.

Ғўза амал даври охирига келиб, берилган ишловлар ва мавсумий суғоришлар таъсирида тупроқнинг 0-10, 10-20 ва 20-30 см ли қатламларида ҳажм массаси дастлабки ҳолатидан 0,03 ва 0,04 г/см³ га, 0-30 ва 30-50 см қатламида эса 0,03 ва 0,04 г/см³ га ошганлиги кузатилган.

Маъдан ўғитларнинг $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га фонида шудгордан олдин қўшимча 15 т/га қорамол гўнги қўлланилган вариантда, чигит экиш олдидан тупроқнинг ҳажм массаси 0-10; 10-20; 20-30 ва 0-30; 30-50 см ли қатламларида мутаносиб равишда 1,29; 1,30; 1,31 ва 1,30; 1,37 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, маъдан ўғитларнинг шу фонида гўнг қўлланилмаган вариантга нисбатан бу кўрсаткичлар 0,01; 0,02; 0,03 ва 0,02; 0,02 г/см³ га камайганлиги қайд қилинган.

Изланишларда бентонит ва гўнг асосида тайёрланган компостларни меъёрларидан қатъи назар тупроқнинг ҳажм массаси амал даври боши ва охирида ҳам назорат вариантыга нисбатан камайганлиги кузатилганлиги айтиб ўтилган.

Компостларнинг нисбатан юқори таъсири маъдан ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрида гектарига 1:04 нисбатда (15 тонна ярим чириган қорамол гўнги ва 6 тонна бентонит) асосидаги 21,0 тонна меъёрда қўлланилган вариантда кузатилиб, чигит экиш олдидан тупроқнинг 0-10; 10-

20; 20-30 ва 0-30; 30-50 см ли қатламларида ҳажм массаси мутаносиб равишда 1,25; 1,26; 1,28 ва 1,26; 1,37 г/см³ ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га ва N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрларда қўлланилган назорат ва андоза вариантларга нисбатан 0,05; 0,06; ва 0,06; 0,02 г/см³ га кам бўлганлиги тадқиқ қилинган.

Ўзанинг амал даври охирига келиб, вариантлар ўртасидаги фарқлар сақланган ҳолда тупроқнинг барча қатламларида ҳажм массаси 0,05; 0,04; 0,03 ва 0,04; 0,02 г/см³ га ортганлиги кузатилган.

Бирок, гўнг ва компостлар қўлланилган вариантларда бу кўрсаткичнинг ошиши амал даври охирида ҳам назоратга нисбатан камроқ бўлганлиги аниқланган.

Изланишларда маъдан ўғитлар меъёрларининг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га дан N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га гача, компост меъёрлари 16,5 т/га дан 21,0 т/га гача ва 15 т/га қорамол гўнгги қўллашнинг биринчи йилида тупроқнинг ҳажм массаси 0,01-0,03 г/см³ га камайганлиги аниқланган.


Жумладан қўлланилган компостларнинг сўнгги таъсири тобора камайиб бориши, ҳатто 9,0 т/га бентонитнинг тажрибанинг учинчи йилидаги сўнгги таъсири деярли назорат вариант кўрсаткичларига яқин бўлиб қолиши қайд этилган.

Тадқиқотларда қўлланилган органино-минерал компостларнинг тупроқ ғоваклигига таъсири ҳам аниқланган бўлиб, маъдан ўғитларнинг N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ кг/га фониди 15 т/га қорамол гўнгги ва бентонитларнинг 1,5; 3,0; 6,0 ва 9,0 т/га меъёрлари асосида тайёрланган компостлар қўлланиши натижасида тупроқ ғоваклиги нафақат маъдан ўғитлар, балки маҳаллий гўнг қўлланилган вариантларга нисбатан ҳам бирмунча ошганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибада қўлланилган компостларнинг нисбатан юқори таъсири 21,0 т/га (15+6,0) меъёрида бўлиб, бу вариантда амал даври бошида тупроқнинг 0-10; 10-20; 20-30 ва 0-30; 30-50 см қатламларида ғоваклик мутаносиб равишда 51,9; 51,5; 50,8 ва 51,8; 47,3% ни ташкил қилган ҳолда назорат вариантдан 0,8-2,3% гача, 15 т/га қорамол гўнгги қўлланилган (3) вариантга нисбатан эса 1,2-1,5% гача юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).

Бундан ташқари органино-минерал компостни 21,0 т/га меъёрда қўллаш натижасида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида амал даври бошида 782 м³/га амал даври охирида 588 м³/га ни ташкил этиб, назорат вариантларига нисбатан 27 м³/га ва фақат 15,0 тонна ярим чириган қорамол гўнгги қўлланилган вариантга нисбатан 17 м³/га кўп бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда қўлланилган органино-минерал компостларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири ҳам аниқланган бўлиб, компостлар қўлланилмасдан аввал олинган тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см ли қатламларда ялпи азот ва фосфор 0,086-0,070 ва 0,141-0,115% ни, гумус эса 0,888 ва 0,700% ни ташкил этган бўлса, маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларда қўлланилган назорат вариантнинг амал даври охирида ялпи азот ва фосфор 0,089-0,073 ва 0,142-0,117% га тенг бўлиб, гумус миқдори мос равишда 0,890 ва 0,700% ни ташкил этганлиги аниқланган.



1-Расм. Компост меъёрларининг тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклигининг ўзгаришига таъсири, 2006 йил

Маъдан ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрлари фонида 15 т/га қорамол гўнгни қўлланилган вариантда, тупроқдаги чиринди миқдори дастлабки ҳолатига нисбатан 0,092% га ортанлиги кўрсатиб ўтилган.


Тадқиқотларда бентонит ва ярим чириган қорамол гўнгни асосида тайёрланган компост таъсирида тупроқдаги чиринди, умумий азот миқдорининг фақат (15 т/га) қорамол гўнгни қўлланилган вариантга нисбатан ҳам бирмунча ошганлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Биобарин, энг юқори натижалар ноанъанавий орғано-минерал компостларнинг 21,0 т/га меъёрида кузатилиб, тупроқдаги чиринди миқдори назоратга нисбатан 0,12-0,017% га, умумий азот 0,007% га ортанлиги кўрсатиб ўтилган.

Изланишларда 1:0,4 нисбатда қорамол гўнгни ва бентонит асосида тайёрланган компостлар қўлланилганда тупроқдаги азотли ўғитларнинг фойдали коэффициентининг ошиши натижасида тупроқдаги нитратли азот миқдори ўзгаришига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Бунда турли меъёрларда компостлар қўлланилган вариантлар орасида энг юқори натижалар 21,0 т/га (15 гўнг +6,0 бентонит) қўлланилган вариантида олиниб, тупроқдаги нитратли азот миқдори 0-30 ва 30-50 см қатламларда мутаносиб равишда 24,2-13,5 мг/кг ни ташкил этиб, андоза вариантига нисбатан 2,0-0,7 мг/кг га юқори бўлганлиги баён қилинган (2-расм).

Олинган натижаларнинг математик таҳлилларида, орғано-минерал компостларни қўллашнинг тупроқдаги умумий ва ҳаракатчан шаклдаги озика элементларининг ўзгариши орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги ($r=0,731$) аниқланган.



2-Расм. Компост меъёрларининг тупроқдаги чиринди, умумий азот, фосфор ва озика унсурларининг ҳаракатчан шакллари миқдорларининг ўзгаришига таъсири (2006-2007 йй), амал даври охири, %.

Тажрибада изланишларнинг 3-йилига келиб, тупроқдаги нитратли азот миқдорининг камайиб бориши, бевосита ўсимликлар томонидан ўзлаштириши ва компостлар таъсирининг сусайиб бориши ҳисобига бўлиши таъкидлаб ўтилган.


Шунингдек, ноанъанавий органо-минерал компостлар 21,0 т/га (15+6,0) меъёрда қўлланилганда (тадқиқотларнинг 3-йилида) тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори тупроқнинг юқоридаги қатламида 32,9-15,8 мг/кг ни ташкил этиб, бу кўрсаткич назорат вариантыдан 3,8-1,4 мг/кг га, фақат қорамол гўнги солинган вариантга нисбатан 1,9 мг/кг ва фақат бентонит (9,0 т/га) қўлланилган вариантга нисбатан эса 3,3 мг/кг га кўп бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг 3-йили амал даври охирида энг мақбул ҳисобланган 21,0 т/га меъёрда ноанъанавий органо-минерал компост қўлланилганда (6 вар.) тупроқдаги алмашинувчи K_2O миқдори 235-170 мг/кг ни ташкил этиб, дастлабки ҳолатидан 35,0 мг/кг га ортганлиги ҳам аниқланган.

Илмий-тадқиқот ишларида ноанъанавий органо-минерал компостларни қўшимча озика сифатида қўллашнинг фўзанинг ўсиб-ривожлоаниши ва пахта ҳосилига таъсири ҳам ўрганилган.

Бунда, маъдан ўғитлар $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га меъёрларда қўлланилган (назорат) вариантыда изланиш йилларига мутаносиб равишда пахта ҳосили 29,8; 29,0 ва 28,4 ц/га ни ўртача 3 йилда эса 29,0 ц/га ни ташкил этиб, бу вариантда ҳосилдорлик 2006 йилдан 2008 йилгача 1,4 ц/га гача камайганлиги аниқланган (3-расм).

Маъдан ўғитларнинг $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га меъёрида 15 т/га қорамол гўнги қўлланилган вариантда биринчи йилда 33,7 ц/га, сўнги таъсирларида (2007-2008 йй) эса 31,0-30,7 ц/га (ўртача 31,8 ц/га) пахта ҳосили олиниб, бу кўрсаткич назоратга нисбатан 2,8 ц/га га кўп бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.



3-Расм. Турли меъёрада компостни қўшимча озика сифатида қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га.


Қўлланилган органико-минерал компостлар меъёри 18,0 т/га дан 21,0 т/га ортиши билан ўртача 3 йилда пахта ҳосили 34,2-36,1 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 5,2 ва 7,1 ц/га гача қўшимча ҳосил олинган. Энг ижобий натижалар 15,0 тонна қорамол гўнгги ва 6,0 тонна бентонит аралаштириб тайёрланган 21,0 т/га компост қўлланилган вариантда кузатилиб, пировард натижада юқори ҳосилдорликка эришилганлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий органико-минерал компостларни кузги буғдойда қўллашнинг тупроқ унумдорлиги, кузги буғдой ва анғизга экилган зироатларнинг ўсиши-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ноанъанавий органико-минерал компостларни тайёрлашда компонентларнинг турлари ва нисбатларини камайтириб, самарадорлигини ошириш мақсадида қўй гўнгги, парранда қийи ва бентонит асосида компостлар тайёрлаб, унинг тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой ҳамда анғизга экилган зироатларнинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган. Бунда қўлланилган компостларнинг энг мақбул меъёри унинг (10 тонна қўй гўнгги ва 6 тонна бентонит лойқаси асосида тайёрланган) 16,0 т/га меъёрида кузатилганлиги қайд этилиб, тупроқнинг 0-30; 30-50 см қатламларида нитратли азот миқдори 21,7-13,4 мг/кг ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич назорат вариантыга нисбатан 2,0-1,1 мг/кг га кўп бўлганлиги ифодаланган.

Қўлланилган компостларнинг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорларига таъсири бўйича энг юқори натижалар (5 т парранда қийи ва 6 т. бентонит лойқаси) 11,0 т/га ҳамда (10 т. қўй гўнгги ва 6 т. бентонит лойқаси) 16,0 т/га меъёрларида кузатилиб, мос равишда 31,7-15,3 мг/кг ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бу кўрсаткич 4,2-1,2 мг/кг га кўп бўлганлиги аниқланган. Шунингдек органико-минерал компостларнинг тупроқдаги алмашинувчи калий миқдорининг ўзгаришига таъсири

аниқланиб, амал даври охирида алмашинувчи калий миқдори 210-170 мг/кг ни ташкил этиб, назоратдан 20,0 мг/кг га ортиқроқ бўлганлиги қайд қилинган.


Тажрибада ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар шароитида парранда қийи, қўй гўнги ва бентонит асосида тайёрланган компост меъёрларининг кузги буғдой дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган. Бунда, маъдан ўғитларнинг йиллик меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га бўлган вариантда, кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосили ўртача 44,7-50,7 ц/га га, камайтирилган $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда озиклантирилган вариантда бу кўрсаткич мос равишда 39,1-51,3 ц/га ни ташкил этганлиги қайд қилинган (4-расм).



4-Расм. Қўлланилган компостларнинг кузги буғдой дон ва сомон ҳосилига таъсири.

Юқори кўрсаткичлар қўшимча озика сифатида 11 т/га (5 т парранда қийи + 6 т. бентонит асосида) ва (10 т. қўй гўнги + 6 т. бентонит асосида) 16 т/га органино-минерал компостлар қўлланилган вариантларда кузатилиб, кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосили мос равишда 45,8-50,6 ва 45,1-50,9 ц/га ни ташкил этган. Ушбу вариантларда дон ҳосили назорат ($N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қўлланилган) вариантига нисбатан 5,6-4,9 ц/га, амалдаги тўлиқ ($N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га) меъёри билан озиклантирилган андоза вариантига нисбатан эса 1,1 ц/га га кўп бўлганлиги аниқланган. Изланишларда қўлланилган органино-минерал компостларнинг кузги буғдойдаги сўнги таъсиридан унинг анғизига экилган дуккакли-дон экинларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳам ўрганилган. Бунда, камайтирилган маъдан ўғитлар фонида (назорат) вариантида анғизга экилган мошнинг бўйи ўртача 70,6 см ни, дуккаклар сони 20,2 донани, 1000 дона дуккак вазни 71,3 г. ни, 1000 дона дон вазни эса 45,9 г. ни ташкил этиб, дон ҳосили 14,3 ц/га га, пичан ҳосили 50,0 ц/га га тенг бўлганлиги аниқланган. Маъдан ўғитларнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда эса ўсимлик бўйи 76,5 см ни, дуккалар сони 21,5

донани, 1000 дона дуккак вазни 74,4 г ни, 1000 дона дон вазни эса 48,7 г. ни ташкил этиб, дон ва пичан ҳосили мос равишда 16,8-54,0 ц/га га тенг бўлганлиги кўрсатиб ўтилган (5-расм).



5-Расм. Компостларнинг анғизга экилган мошнинг 1000 дона уруғ вазни ва дон ҳосилдорлигига таъсири.

Бундан ташқари компостлар таъсирида мошнинг 1000 дона дон вазни ва дон ҳосилдорлиги орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқ мавжудлиги аниқланди ($r=0,976$).

Таърибада қўшимча озика сифатида кузги буғдойда фақат бентонит лойкаси 6,0 т/га меъёрда қўлланилганда кузги буғдой анғизига экилган мошнинг бўйи 73,4 см ни, дуккаклар сони 20,0 донани, 1000 дона дуккак ва дон вазни 73,4-49,1 г ни ташкил этиб, дон ҳосили 15,8 ц/га га ва пичан ҳосили 53,3 ц/га га тенглиги қайд этилган.

Компостларнинг энг мақбул таъсири кузги буғдой (5,0 т. парранда кийи + 6,0 т. бентонит) 11,0 т/га ва (10,0 т. қўй гўнгни + 6,0 т. бентонит) 16,0 т/га меъёрлари билан қўшимча озиклантирилганда бўлиб, анғизига экилган мошнинг бўйи 77,1-77,4 см ни, дуккаклар сони 22,5-23,1 донани, 1000 дона дуккак вазни 78,4-78,7 г ни, 1000 дона дон вазни эса 51,7-52,0 г ни ташкил этиб, дон ҳосили 19,1-19,3 ц/га га, пичан ҳосили 57,4-57,8 ц/га га тенглиги аниқланган. Ўз навбатида ушбу вариантларда назоратга нисбатан ўсимлик бўйи 6,5-6,8 см га, дуккаклар сони 2,3-2,9 дон га, 1000 дона дуккак вазни 7,1-7,4 г га, 1000 дона дон вазни эса 5,8-6,1 г га ҳамда дон ва пичан ҳосили мос равишда 4,8-5,0 ва 7,4-7,8 ц/га га юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек изланиш йилларида кузги буғдой анғизига экилган маккажўхорининг ўсиб, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига қўлланилган ноанъанавий органо-минерал компостларнинг таъсири ҳам ўрганилган.

Бунда, энг юқори натижалар органо-минерал компостларнинг (5,0 т. товук қийи + 6,0 т. бентонит) 11 т/га ва (10,0 т. қўй гўнги + 6,0 т. бентонит) 16,0 т/га қўлланилган вариантларидан олиниб, маккажўхорининг бўйи 202,6-203,8 см ни, барглар сони 10,6-11,0 донани, сўталар сони 1,0-1,1 донани, бир сўтадаги дон вазни 72,0-72,1 г ни ташкил этганлиги ва дон ҳосили мос равишда 44,8-45,1 ц/га га ҳамда поя ҳосили 248,9-250,3 ц/га тенг бўлганлиги қайд қилинган. Ўз навбатида бу вариантларда мавсумда минерал ўғитларни $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га меъёрларда қўлланилган андоза вариантыга нисбатан ўсимлик бўйи 6,5-7,7 см га, дон ҳосили 1,8-2,1 ц/га ҳамда барг-поя ҳосили 3,6-5,0 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг ушбу бобида кузги буғдойда қўлланилган компостлар ва анғизга экилган мош ҳамда маккажўхоридан сўнгги йилларда ғўзанинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлигининг ўзгариши ўрганилган бўлиб, компостларнинг энг мақбул меъёри кузги буғдойда 11,0-16,0 т/га қўшимча озика сифатида қўлланилган вариантларда анғизга экилган мошдан сўнг ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши назорат вариантыдан юқори бўлганлиги аниқланган. Бунда, ғўзанинг бош поя баландлиги 103,3-102,7 см ни, ҳосил шохлари 13,6-13,7 донани, ҳосил элементлари 16,0-16,2 донани ва кўсақлар сони 11,5-11,7 донани ҳамда ҳосилдорлиги 34,3-34,6 ц/га ни ташкил этган.

Кузги буғдойга компост қўлланилиб, анғизга экилган маккажўхоридан сўнг ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, такрорий мош экилган вариантга нисбатан бирмунча сустроқ бўлганлиги кузатилган. Бунда, маккажўхоридан сўнг ғўзанинг бўйи ва кўсақлар сони, мошдан сўнг экилган ғўзанинг бўйи ва кўсақлар сонига нисбатан мос равишда 5,6-3,8 см ва 1,3-1,5 донага кам бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, маккажўхоридан сўнг экилган ғўза ҳосилдорлиги мошдан сўнг экилган ғўза ҳосилдорлигига нисбатан 1,2-1,7 ц/га камроқ бўлганлиги, маккажўхорининг тупроқдан кўпроқ озика элементларини ўзлаштириши сабабли эканлиги ҳам изоҳлаб ўтилган.

Диссертациянинг «**Қўлланилган компостларнинг мелиорант сифатида тупроқдаги зарарли тузлар миқдорининг ўзгаришига таъсири**» деб номланган бешинчи бобида бентонит асосидаги компостларни қўллаш шўрланган тупроқларда осон эрийдиган тузлар анион ва катионларни адсорбция қилиш билан бир даврда, қийин эрийдиган тузларни коагуляцияга учратиб зироатларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига салбий таъсирини камайтиради. Шўрланган тупроқлардаги NaCl концентрациясининг ошиши бентонитнинг бўкиш тезлигини оширади бу эса сувда эриган тузларни коагуляцияга учрашига сабаб бўлишининг назарияси кўрсатиб ўтилган³.

Тажириба даласининг тупроғи хлоридли-сульфатли ўртача шўрланган, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқ бўлиб, ҳайдов ва ҳайдов ости

³ J.Kuwano, M.G.Shaaban [198; №2, Vol.37].

қатламларида зарарли тузларнинг ўзгаришига турли мелиоратив тадбирлар ва қўлланилган ноанъанавий органино-минерал компост мелиорантларнинг таъсири, тупроқ таркибидаги тузлар, қуриқ қолдиқ ҳамда Cl иони миқдорининг ўзгариши мавсум бошида ва амал даври охирида (0-50 ва 50-100 см. да) барча вариантларда таҳлил қилинган.

Таҷриба даласи тупроғининг бошланғич давридаги шўрланиш даражасига кўра, тупроқнинг 0-50 ва 50-100 см қатламларида қуруқ қолдиқ ва хлор иони миқдори мос равишда 0,558-0,560% ва 0,038-0,040% ни ташкил қилиб, оддий усулда гектарига 4000 м³ сув сарфлаб, кузда икки марта шўр ювилган биринчи вариантда тупроқнинг 0-50 см қатламида қуруқ қолдиқ 0,373% ни, хлор иони эса 0,019% ни ташкил этган. Ўз навбатида бу кўрсаткичлар шўр ювилиши ҳисобига бошланғич давридагига нисбатан 18,5-1,9 фоизгача камайганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тупроқнинг 50-100 см қатламида эса қуруқ қолдиқ ва хлор иони мос равишда 0,391-0,020% ни ташкил этиб, бевосита амал даври шўрланиш даражасига нисбатан бу кўрсаткичлар 16,9-2,0% га кам бўлганлиги қайд этилган. Бироқ, ушбу вариантда шўр ювиш учун ишчи кучи, ёқилғи мойлаш материаллари ва энг асосийси катта миқдорда сув сарфланиб, иқтисодий томондан етиштирилаётган маҳсулот таннархи қийматининг ошиб кетиши сабабли гектаридан олинадиган даромад ва рентабеллик даражаси пасайганлиги қайд этилган.

Шўр ювиш учун сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун бентонит лойқаларининг юқори бўқувчанлик ва коагуляция хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли компонентдаги компостлар, бентонит лойқаси ҳамда ҳар хил гўнги шакллари билан 1:0,4 нисбатда (16,0 тонна қорамол гўнги+6,0 тонна бентонит) ва 1:0,6 нисбатда (10,0 тонна қўй гўнги+6,0 тонна бентонит) бентонит лойқалари асосидаги органино-минерал компостларни мелиорант сифатида қўллаш самарадорлиги назарий томондан ўрганилган.

Таҷрибада мелиорант сифатида 6,0 ва 12,0 тонна Ҳовдак бентонит лойқасининг ўзи алоҳида қўлланилган вариантларда ҳам тупроқнинг 0-50 ва 0-100 см қатламларида зарарли тузларнинг қисман камайиши кузатилган бўлиб, бироқ бу вариантларда тупроқдаги қуруқ қолдиқ ва хлор иони миқдори шўр ювилган ёки 40,0 тонна дарё лойқаси ва 25,0 тонна қорамол гўнги солинган вариантларга нисбатан кўпроқ тўпланганлиги қайд этилган.

Қўлланилган мелиорантларнинг энг самарали таъсири 1:0,4 нисбатда 6,0 тонна бентонит ва 15,0 тонна ярим чириган қорамол гўнги асосида тайёрланган 21,0 тонна органино-минерал компост қўлланилган вариантда кузатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бунда, мавсум бошида 0-50; 50-100 см тупроқ қатламида қуруқ қолдиқ 0,386-0,400% ни ҳамда хлор иони 0,020-0,021% ни ташкил этиб, тупроқнинг дастлабки мелиоратив ҳолатига нисбатан шўрланиш даражаси мос равишда 17,1-1,8% га камайганлиги аниқланган.

Таҷрибада 1:0,6 нисбатда (10,0 т. қўй гўнги + 6,0 т. бентонит лойқаси) тайёрланган 16,0 тонна компост мелиорант сифатида қўлланилган вариантда

хам тупроқ қатламларида тузларнинг сезиларли даражада камайиши кузатилган. Бироқ бу вариантда оддий усулда (4000 м³/га) шўр ювилган биринчи вариант ёки 21,0 тонна органино-минерал компост қўлланилган вариантга нисбатан қуруқ қолдиқ миқдори 2,8-1,3% га, хлор-иони миқдори эса 0,2-0,3% га кўпроқ тўпланганлиги таъкидлаб ўтилган.

